



МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА — УМРИНГИЗНИНГ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА
МАСЪУЛИЯТЛИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТганингиз билан
чин қалбимдан самимий табриклайман.

MILLIY QADRIYATLARGA TAYANGAN TARAQQIYOT!

№ 18 (1167) 2022 йил 25 май, chorshanba

«MILLIY TIKLANISH»
DEMOKRATIK PARTIYASINING
UTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI



ТИКЛАНИШ

1995 йил 10 июлда чика бошланган

www.mt.uz / milliytiklanish2022@gmail.uz

tiklanish



**Тўрт йил ва
Биринчи имтиҳон** 4

**Маънавий салоҳиятимиз
Дунёнигоҳида**



2
ҲАР БИР ТАКЛИФ
ЗАМИРИДА
ЮРТДОШЛАРИМИЗ
ТАЛАБИ БОР

Йўллари таъмирлаш тунги
вақтларга кўчирилмас
экан, тирбандликлар давом
этаверади.

3
БУХОРО ШАҲРИГА
«ЖАҲОН
ХУНАРМАНДИЛИК
ШАҲРИ» МАҚОМИ
БЕРИЛДИ

Бухоронинг Арк кўрғонида
«Халқаро зардўзлик ва
заргарлик фестивали»
ҳамда «Миллий
каштадўзлик санъати
фестивали»нинг тантанали
ёпилиш ва тақдирлаш
маросими бўлиб ўтди.



**БОШ ҚОМУСИМИЗ
БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТ
ШИДДАТИГА
МОС БУЛИШИ КЕРАК**

3



6

**САЛЛАГА ЭМАС,
КАЛЛАГА**

**ИШҚИБОЗЛАРГА
КИМ БАҲО БЕРАДИ?**

**УХЛАМАЙДИГАН
ОДАМ**

Умри оқар дарёга қиёслашади. Аммо
кўпчилигимиз бу мақолни унчалик ҳам хуш
кўравермаймиз. Зеро, ўтган вақтга, бой
берилган даврлару имкониятларга ачиниш
ҳисси бу паллада одамдан юқори бўлади.



4

**ДАВР БИЛАН БИРГА МЕЗОНЛАР ҲАМ
ЎЗГАРИШИ КЕРАК** 5

«САЙДАНА» АСАРИНИ
БИЛАСИЗМИ?


4

МАЪНАВИЯТНИ «МАЙНА»
ҚИЛАЁТГАНЛАР

6

«УЧАСТКАВОЙ»
ҲАМ ЖАЗОСИЗ
ҚОЛМАСА КЕРАК?!

6



108 ТА МАДАНИЙ МЕРОС
ОБЪЕКТИДА 146 ТА
НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМА БОР..

Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлигида Маданий
мерос агентлиги ахборот
хизмати раҳбари Моҳинур
Имомова иштирокида
брифинг ўтказилди.
«Моддий маданий
мероснинг кўчмас мулк
объектлари миллий
рўйхати»га кўра,
мамлакатимизда ҳозирги
кунга қадар 8 минг 210 та
моддий маданий мероснинг
кўчмас мулк объекти
давлат муҳофазасига
олинган. Шундан 4 минг
788 таси археология, 2
минг 265 таси архитектура
объектлари, 625 таси
монументал санъат
асарлари, 530 таси
диққатга сазовор жойлар
ҳисобланади.
Вазирлар Маҳкамасининг
Маданий меросни ҳимоя
қилиш инспекцияси,
Маданий мерос агентлиги
билан ҳамкорликда Бош
прокуратура ва унинг
идоралари томонидан
маданий мерос объектлари
муҳофазасига қаратилган
қонун ҳужжатлари ижроси
устидан тизимли назорат
тадбирлари ўтказиб
келинмоқда. Жумладан,
маданий мероснинг
кўчмас мулк объектларида
ноқонуний қурилмаларни
бартараф этиш, қонунчилик
талабларига зид
равишда ер майдонидан
фойдаланиш ва реклама
эълонларини ўрнатишнинг
олдини олиш чоралари
кўрилкоқда.

Давоми 2-бетда

77

Фарзандларимизга
ўқитилаётган
фанлар орасига
хитой девори қўйиб,
фанларни бир-
бирдан ажратиб,
керак-кераксизга
чиқариб ташлаш
янада каттароқ
талафотларга
сабаб бўлиши
мумкин.

**«БИЗНИНГ
ЖАҲОЛАТ...»**



7



МАКТАБЛАРНИ БИТИРУВЧИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Қадрли мактаб битирувчилари!
Сизларни мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, мустақил ҳаётга — умрингизнинг янада гўзал ва масъулиятли босқичига қадам қўяётганингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим даргоҳларида «сўнги кўнгирак»лар янграб, қадрдон мактабингиз, меҳрибон устозларингиз билан хайрлашув тadbирлари ўтказилаётган ушбу кувончли ва гоёат ҳаяжонли дамларда ҳаммангизга келгуси ҳаётда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.

Умид ва ишонч рамзи бўлган етуқлик шаҳодатномалари барчангизга муборак бўлсин! Азиз болаларим!

Бу йил республикамизда 390 миң нафардан зиёд ўқувчи ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз — бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди,

бебаҳо хазинасидир. Албатта, бугун юртимизда мактаб битирувчилари билан бирга уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийлар учун ҳам унутилмас кундир. Ушбу кувончли айёмда уларни ҳам чин дилдан қутлаб, барчасига эзгу тилақларимизни изҳор этамиз.

Сўнги йилларда мактабгача таълим, олий ва ўрта махсус таълим тизими сифат жиҳатидан кескин ўзгарди. Айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 миңдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Биргина ўтган йилда 3,3 триллион сўм маблағ ҳисобидан 789 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз кўлга киритган медаллар сони 3

баробар, минтақавий олимпиадаларда эса қарийб 2 баробар кўпайгани, «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 900 миңдан зиёд ўқувчи дастурлаш асосларини ўрганиб, сертификатга эга бўлгани барчамизни хурсанд қилади.

Бугун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган жонкуяр ўқитувчилар, устоз-мураббийлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, уларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилаш, сертификатга эга бўлгани рағбатлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиб, бу борада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда юртимизда 10 миңдан зиёд давлат умумтаълим мактаблари билан бирга кўплаб нодавлат, давлат-хусусий шериклик шаклидаги мактаблар, Президент, ихтисослаштирилган ва ижод мактаблари фаолият юритаётгани ушбу тизимда қисқа муддатда чуқур таркибий ва сифат ўзгаришлари юз берганини кўрсатади.

Тараққий топган давлатлар таълими учун ўқув дастури ва дарсликлар янгиланмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари учун 326 номда ўқув-методик мажмуалар, ўқитувчилар китоби ҳамда машқдафтарлари яратилгани муҳим қадам бўлди.

Юртимиздаги барча мактаблар юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланиб, локал тармоқ ҳамда Wi-Fi усуналари ўрнатилди.

Шунингдек, ҳозирги нотинч замонда фарзандларимизни юксак маънавият эгалари, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Кенг кўламдаги маънавий-маърифий тadbирлар амалга оширилмоқда, ёшларимиз ўртасида китобхонликни кучайтириш, уларни адабиёт, санъат ва спорт тўғрисида фаол бўлишга жалб этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Азиз фарзандларим! Кейинги пайтда халқимиз, айниқса, униб-ўсиб келаётган сиз каби ёшларимиз учун Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатига айланиб бормоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 162 та олий ўқув юрти, кўплаб касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар келгусида сизларнинг ўзингиз танлаган соҳалар бўйича етуқ кадр ва малакали мутахассис бўлишингиз учун хизмат қилади.

Шунингдек, 78 та олий таълим муассасасида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, олий маълумот олиш ҳамда масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилдаги 9 фоиздан бу йил 38 фоизга етказилди.

Юртимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум

бўлган ўқувчилар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногирон болалар учун профессионал таълим тизимида алоҳида имкониятлар яратилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2020-2021 ўқув йилида колледж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган 1157 нафар, 2021-2022 ўқув йилида эса 1433 нафар ўқувчи қабул параметрларидан ташқари кўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Аминман, сизлар ана шундай имкониятлар асосида етуқ мутахассислар бўлиб, келгусида юртимиздаги замонавий кластерлар, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари, катта-катта қурилишлар, фирма ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, маданият ва ижодий жамоаларда иш бошлайсиз ва Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишга, албатта, муносиб ҳисса қўшасиз.

Мухтасар айтганда, мактабни битириб чиқаётган йигит-қизларимизнинг ҳар

бири эл-юртимизнинг меҳри ва эътиборида бўлади. Бу борада жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, маҳалла жамоатчилиги ота-оналар ва устозларингиз билан биргаликда сизларга яқин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлади.

Мана шундай шуқуҳли онларда сиз, азиз фарзандларимни мактаб таълимини муваффақиятли тамомлаб, ҳаётингизда дастлабки муҳим доводдан ошганингиз билан яна бир бор табриклайман.

Ҳеч қачон унутманг, келажакда сизни янада улкан ва масъулиятли марралар кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб, бор куч-ғайратингиз, билим ва салоҳиятингиз билан ҳаракат қилсангиз, кўзлаган чуққиларга, албатта, эришасиз.

Барчангизга ишда ва ўқишда, шахсий ҳаётда катта ютуқ ва омадлар тилайман!

Доимо соғ-омон бўлинг! Интилиб, изланиб яшашдан асло тўхтаманг!

Бахт ва омад ҳаммаша ҳамроҳингиз бўлсин, азиз ўғил-қизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фракцияда

ҲАР БИР ТАКЛИФ ЗАМИРИДА ЮРТДОШЛАРИМИЗ ТАЛАБИ БОР

- ✓ Йўллари таъмирлаш тўғрисидаги қарарларни тезроқ амалга ошириш, тирбандликлар давом этаверади.
- ✓ Инсон аъзоларини алмашиш, совға қилиш ёки вафотидан сўнг ундан фойдаланиш мумкинми?
- ✓ Конституцияга киритиш учун энг муҳим ва долзарб таклифлар тайёрлаш...



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг партия Марказий кенгаши билан ўтказган қўшма йиғилишида асосий эътибор конституциявий ислохотлар масаласига қаратилди.

Бунда Конституциявий комиссия тузилгани эътироф этилиб, партия қошида ҳам шундай ишчи гуруҳ тузиш таклифи илгари сурилди.

Ишчи гуруҳга ўз йўналишидан келиб чиқиб, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосарлари бошчилик қилаётган бўлдилар. Гуруҳ таркибига эса ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда фракция аъзолари ҳам киритилди. Ишчи гуруҳининг асосий вазифаси партия аъзолари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва экспертлар томонидан билдирилган таклифларни жамлаш ва уларни Конституциявий комиссияга тақдим этишдан иборат бўлади.

— Биз жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишларнинг ҳуқуқий асослари яратилиши тарафдоримиз, — деди йиғилишда партия етакчиси Алишер Қодиров. — Мана бир мисол: дунёда оила ва оилавий муносабатлар турлича талқин этиляпти, қаердадир бир жинслилар никоҳи қонуллар билан мустаҳкамланиб қўйилляпти. Ҳўш, мана шундай бир шароитда биз оилавий қадриятларни асрашимиз ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб қўйишимиз керакми? Бизнингча, Бош Қомусимизда оиланинг тўлақонли эрка ва аёлнинг ихтиёрий бирикувидан ташкил топган жамият экани қатъий белгилаб қўйилиши лозим.

Қўшма йиғилишда кўпчилик юртдошларимиз эътиборини тортаётган «ибодат либоси» масаласига ҳам муносабат билдирилди. Маълумки, ўткан йили айнан партия фракцияси таклифи билан бу чеклов олиб ташланган. Ҳижоб диний либос

эмаслиги ҳақидаги ташаббус илгари сурилиб, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонундан бу атама чиқариб ташланган эди. Аммо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бу ўзгариш киритилмасдан қолиб кетган.

Депутатлар йиғилишида «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилиб, қарийб бир йилдан буён диний либос масаласи кодексдан чиқариб ташланмаётганига эътироз билдирдилар.

— Ҳеч қачон Исролда ибодат либоси бўлмаган. Бошқа динларда бор, аммо динимизда бу масалага ҳақчил ёндашилган, — деди фракция аъзоси Алишер Ҳамроев. — Либос бўйича деярли талаблар йўқ. Аврат ёлик бўлиб, тоза юрилса бўлгани. Ҳатто салла ҳам диний либос саналмайди ва бу кафан ҳисобланади. Фракциямиз ҳар доим бунга қарши бўлган ва ўтган йили бу атама қонунчиликдан чиқариб ташланган эди. Бундай таққҳеч қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бўлмаслиги лозим.

Фракция йиғилишида «Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда йўл инфратузилмалари ҳолати йилга 250-300 миңга кўпаяётган транспорт воситаларининг тирбандликларсиз ҳаракатланишини таъминлай олмаяпти. Бу эса соҳани тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, бу борадаги ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармоқда. Чунки амалдаги норматив ҳужжатларнинг аксарияти собиқ иттифок даврида ишлаб чиқилган. Шунинг учун ҳам бу борада алоҳида қонун лойиҳаси тайёрланди.

Унда йўл қондасини ташкил этишнинг асосий принциплари, йўл эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, талаблар, бу борада мониторинг ва илмий тадқиқотлар олиб бориш, самарадорликни таъминлаш, тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган чекловлар ва бунда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича бир қатор нормалар белгиланмоқда.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров қонун лойиҳасига муносабат билдирар экан, киритилаётган ўзгаришлар, албатта, йўлларда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади. Аммо йўллари таъмирлаш ишлари айнан автомобилларнинг серкатнов вақтида амалга оширилиши сунъий тирбандликни келтириб чиқараётганига эътироз билдирди.

— Бугун бу жараёнларни фақат тунги вақтларда амалга ошириш тартиб келди ва бу қонунчилик билан вақтига солиниши керак. Бу дунё тажрибасида ҳам бор. Албатта, бунда йўлсозларимиз ҳам қўшимча рағбатлантирилиши лозим, — деди фракция етакчиси.

Ташаббускорлар бу таклифга муносабат билдирар экан, ҳақиқатан ҳам амалдаги ҳужжатларда йўл таъмири куннинг қайси вақтида амалга оширилиши кераклиги бўйича аниқ вақт белгиланмаганини, бу масала ҳам ҳозирда ҳуқуқ доирасида кўриб чиқилаётганини маълум қилдилар.

Фракция йиғилишида депутатлар «Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгаришларни ҳам муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси ўтган йилнинг ноябрь ойида бир неча таклифлар билан Сенатдан қайтарилган. Шундан сўнг Келишув комиссияси ташкил

(Бошланғич 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ 108 ТА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТИДА 146 ТА НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМА АНИҚЛАНДИ

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги прокуратура идоралари билан биргаликда ўтказилган текширишда республика бўйича 108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилганлиги аниқланди. Бундан ташқари, Маданий мерос агентлиги нафақат маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузган, балки агентлик кўрсатмаларини бажармаган шахсларга нисбатан ҳам мустақил равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқига эга бўлди. Янги қонунда давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос объектларини йўқ қилиш ёки шикаст етказганлик учун жиноий жазо ҳам кучайтирилди. Маданий мерос объектларида ташқи реклама жойлаштириш «Реклама тўғрисида»ги қонунга асосан қатъий тақиқланиб, ушбу объектлар ва уларнинг ёндоқ худудлари рекламадан холи худуд этиб белгиланган. Бироқ, жойларда мазкур қонун талабини қўпол равишда бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. 5 та қадимий шаҳарда жойлашган 1000 дан ортиқ маданий мерос объектида реклама ва ахборот кўрсаткичлари ўрнатилиши қонунийлиги ўрганилди. Урганишлар давомида 53 та объектда ноқонуний ўрнатилган 99 та реклама баннерлари олиб ташланиши таъминланиб, маданий мерос объектлари кўриниши асл ҳолатига қайтарилди. Шунингдек, 19 та объектда ноқонуний ўрнатилган 22 та реклама баннерини олиб ташлаш юзасидан мутасадди шахсларга ёзма кўрсатмалар берилди.

Шаҳноза
МАМАТУРОВА,
УЗА

Равшан МАҲМУДОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири

4 | УХЛАМАЙДИГАН одам

5 | Маънавий салоҳиятимиз дунёнигоҳида

6 | Саллага эмас, каллага ишқибозларга ким баҳо беради?

БОШ ҚОМУСИМИЗ БУГУНГИ ТАРАҚҚИЁТ ШИДДАТИГА

МОС БЎЛИШИ КЕРАК



Ўтган ҳафта Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотларга старт берилди. Ушбу ташаббус икки йирик партия – «Миллий тикланиш» ва O'zLiDeP фракцияларининг қўшма йиғилишида илгари сурилгани бежиз эмас. Юртимиз келажаги, барқарор тараққиётимиз ва халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган ушбу ғоя Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатаси Кенгашларининг қўшма мажлисларида ҳам маъқулланиб, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ҳам тuzилди.

Маълумки, 2021 йилнинг 6 ноябрида Президентимизнинг ўз лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросим ҳамда Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқларида Конституциямизни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уни янада такомиллаштиришнинг 9 та йўналиши кўрсатиб ўтилган эди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатни модернизация қилишнинг етти та йўналиши бўйича 50 дан ортиқ кодекс, қонун, стратегиялар, концепция ва дастурлар қабул қилиш режалаштирилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, Президентимизнинг

4 мингдан зиёд Фармон ва қарорлари қабул қилинди. Партияимиз электорати ва сайловчиларимизга яхши маълумки, 2021 йилнинг 24 октябрида бўлиб ўтган Президентлик сайловида «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам Бош Қомусимизга миллий қадриятларни камситадиган фаолият ва лойиҳаларда иштирок этишни тақиқловчи норма киритишни таклиф этган эди. Кўриниб турибдики, конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш ғояси кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Шунини таъкидлаш жозизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тизимларда туб ислоҳотлар амалга оширилди, ниҳоятда қисқа бир муддатда Янги Ўзбекистон ўз имижини яратиб, дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очик мамлакатга айланди. Шу юрт фарзанди ва оддий бир фуқароси сифатида айтишим мумкинки, кейинги


беш йилда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси батамом ўзгариб, ҳаётимизда янги имконият ва қадриятлар шакллана бошлади. Айниқса, «инсон ҳуқуқи ва эркинликлари», «қонун устуворлиги», «очиклик ва ошқоралик», «сўз эркинлиги», «дин ва эътиқод эркинлиги», «жамоатчилик назорати», «гендер тенглик», «хусусий мулк дахлсизлиги», «иқтисодий фаолият эркинлиги» сингари фундаментал тушунчалар ва ҳаётий қуниқмалар реал воқеликка айланди. Шу билан бирга, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган эзгу ғояни амалга ошириш учун фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, сиёсий партиялар фаолияти ҳамда ижобий ўзгаришлар амалга ошаётди. Албатта, жаҳонда идеал Қомус, кодекс ёки қонуннинг ўзи йўқ. Давр ўтиши, минтақалараро алоқалар, иқлим ўзгаришлари, аҳоли турмуш тарзининг ўзгариб бораётгани Конституция ва қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш заруратини пайдо қиляпти. Қайд этилишича, янги асрнинг ўзида дунёнинг 90 га яқин давлати конституциявий ислоҳотларни амалга оширган. 57 та мамлакатда эса янги конституция қабул қилинган. Бу жараён, айниқса, 2005-2015 йилларда оммавий тус олганини, хусусан, Шарқий Европа, МДҚ мамлакатлари ўз Конституцияларига ўзгартишлар киритганини айтиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, жаҳон иқтисодий ва ижтимоий маконидан юз бераётган глобаллашув, рақамлаштириш жараёнлари мамлакатимизни янада кучли ва ягона мақсад атрофида жиспланган барқарор жамиятга айланишини кун тартибига қўймоқда. Бу жараёнлар эса энг аввало, ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотлар билан chambарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, бугунга келиб, конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш учун бир қатор омиллар вужудга келди. Маълумки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилашни назарда тутди. Бу борада илгари амал қилиб келган «давлат – жамият – инсон» тамойилини «инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш ва уни миллий қонунчилигимизга мослаш тақозо этилади. Бундай ўзгаришлар эса конституциявий ислоҳотларсиз амалга ошмайди, албатта. Айтиш жоизки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар, 2030 йилга бориб эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда Ўзбекистонни «даромади ўртачадан юқори бўлган дав-

латлар» қаторига киритиш учун замин яратиш белгиланган. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва 2023 йилгача йиллик инфляция даражасини боқичмабоқич 5 фоизгача пасайтириш, Давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камидан 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш ҳамда кўзда тутилган. Бундай ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак ҳамда буларнинг бари халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шарти сифатида Бош Қомусимизда акс этиши зарур. Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасида «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган эзгу ғоя илгари сурилиб, бу мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятини бошқа институтлари фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди. Айни пайтда юртимизда 10 мингдан зиёд ННТлар фаолият юритяпти. Уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилганлиги Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш заруратини ҳам кун тартибига киритмоқда. Яна бир муҳим омил бу – мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни асраб-авайлаш билан боғлиқдир. Айниқса, ахборот жамияти, постглобаллашув, сиёсий-маънавий таҳдидлар, ижтимоий-демографик муаммолар, иқтисодий ривожланиш векторининг ўзгариши контекстида оилавий қадриятлар қийматини ўзгартириш жараёни яққол кўзга ташланяпти. Афсуски, айрим ривожланган давлатларда авлодлар узвийлиги ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг издан чиқиши оқибатида оилавий қадриятлар инқирозга юз тутмоқда. Бундай шароитда эса мамлакатимизда оилавий қадриятлар ва аъёнларни асраш, авлодлар ўртасидаги ворисийликни сақлаб қолиш, авлодларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида бирлаштириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бугунги даврнинг ўзи Бош Қомусимизда оила институтини эзгу инсоний қадриятларимиз асосида ривожлантириш ва келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асослар яратишимизни талаб этмоқда. Навбатдаги масала эса келажагимиз бўлган ёшлар билан боғлиқ масаладир. Айни пайтда Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар жами аҳолининг 60 фоиздан ортигини ташкил этияпти. Партияимиз демократик

✓ Муносабат

Бухоро шаҳрига «Жаҳон хунармандчилик шаҳри» мақоми берилди



Бухоронинг Арк кўрғонида «Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали» ҳамда «Миллий каштадўзлик санъати фестивали»нинг тантанали ёпилиш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантананада Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев, Бутунжаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саад ал Каддумий сўзга чиқди. Илк маротаба ташкил этилган Халқаро фестивалда Афғонистон, Жазоир, Аргентина, Арманистон, Австралия, Австрия, Озарбайжон, Баҳрайн, Бангладеш, Беларусь, Бельгия, Бутан, Бразилия, Болгария, Канада, Чили,

Хитой, Колумбия, Хорватия, Миср, Франция, Грузия, Венгрия, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Исроил, Италия, Йордания, Қозоғистон, Кувейт, Қирғизистон, Лаос, Ливан, Малайзия, Мали, Мексика, Марокаш, Намибия, Янги Зеландия, Покистон, Фаластин, Россия, Шотландия, Сербия, Шри Ланка, Испания, Швеция, Тожикистон, Тайланд, Нидерландия, Тунис, Туркия, Буюк Британия, Украина, АҚШ, Вьетнам, Ўзбекистон давлатлари иштирок этганлиги таъкидланди. Шунингдек, тантананада Бухоро шаҳрига Жаҳон Хунармандлари Кенгаши томонидан «Жаҳон хунармандчилик шаҳри» мақоми берилганлиги маълум қилинди. Зариф КОМИЛОВ, ЎЗА

Кутинг!

СИЁСИЙ ПАРТИЯ УЧУН АХБОРОТ КАВФСИЗЛИГИ БИРИНЧИ МАСАЛА

Келгуси сонларда

ислоҳотларнинг муҳим омили сифатида ёшлар йўналишига энг устувор вазифа сифатида эътибор қаратмоқда. Шу боис ҳам ёшларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари ҳамда эркинликларини Конституцияда янада мустаҳкамлаб қўйишни, бу борада бир-икки тақчиллигини қисқартириш ва 2023 йилдан ялпи ички маҳсулотга нисбатан унинг 3 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш, ҳар бир туман бюджетининг камидан 5 фоизини «Фуқаролар бюджети» дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш ҳамда кўзда тутилган. Бундай ўзгаришларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак ҳамда буларнинг бари халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шарти сифатида Бош Қомусимизда акс этиши зарур. Хабарингиз бор, Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январдаги Мурожаатномасида «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган эзгу ғоя илгари сурилиб, бу мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятини бошқа институтлари фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди. Айни пайтда юртимизда 10 мингдан зиёд ННТлар фаолият юритяпти. Уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилганлиги Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш заруратини ҳам кун тартибига киритмоқда. Яна бир муҳим омил бу – мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни асраб-авайлаш билан боғлиқдир. Айниқса, ахборот жамияти, постглобаллашув, сиёсий-маънавий таҳдидлар, ижтимоий-демографик муаммолар, иқтисодий ривожланиш векторининг ўзгариши контекстида оилавий қадриятлар қийматини ўзгартириш жараёни яққол кўзга ташланяпти. Афсуски, айрим ривожланган давлатларда авлодлар узвийлиги ҳамда маънавий-ахлоқий қадриятлар тизимининг издан чиқиши оқибатида оилавий қадриятлар инқирозга юз тутмоқда. Бундай шароитда эса мамлакатимизда оилавий қадриятлар ва аъёнларни асраш, авлодлар ўртасидаги ворисийликни сақлаб қолиш, авлодларни миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида бирлаштириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бугунги даврнинг ўзи Бош Қомусимизда оила институтини эзгу инсоний қадриятларимиз асосида ривожлантириш ва келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асослар яратишимизни талаб этмоқда. Навбатдаги масала эса келажагимиз бўлган ёшлар билан боғлиқ масаладир. Айни пайтда Ўзбекистонда 30 ёшгача бўлган ёшлар жами аҳолининг 60 фоиздан ортигини ташкил этияпти. Партияимиз демократик

Баҳодир МАМАТХОНОВ, Марказий кенгаш раиси ўринбосари



119 қалдирғоч

ёки Шерзодхон Қудратхўжа «командаси»нинг дастлабки ютуқлари хусусида

Ҳар қандай жамиятда демократик кадрларни қарор топтириш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга тезкор, ҳолис муносабат билдириш журналистиканинг бош вазифаси саналади.

Кейинги йилларда юртимизда кечган туб ислохотлар ҳам энг аввало, сўз ва матбуот эркинлиги учун янги йўللار очди. Аммо бу оддий ва осон йўл эмас эди... 2018 йилнинг 24 майини миллий журналистика учун тарихий кун, деб атасак хато бўлмайди. Чунки айнан шу кун Янги Ўзбек миллий журналистикаси учун асос солинди – Президентимизнинг «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг соҳа вакиллари қарата жамиятни тубдан ислох қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этишда «менинг кўзим ва кулогим бўлинг», деган сўзлари эса вужудидан ёшлик шижоати жўш уриб турган «олов» журналистларимизга куч берди, дейиш мумкин. Муболаға эмас, ушбу олий таълим даргоҳига тамал тоши қўйилган кундан бошлаб,

журналистикага «тоза» ҳаво кира бошлади. Кун кеча мазкур олийгоҳ ўзининг тўрт йиллигини нишонлади. Шу ўринда Шерзодхон Қудратхўжадек кучли етакчи ва илғор жамоа қўлида биринчи марта 119 нафар қалдирғочнинг катта ҳаётга йўлланма олаётгани ҳам ўзига хос тарихий воқеадир. Қайд этиш жоизки, ўтган 4 йил университет жамоаси ва талабалари учун шунчаки ўтиш даври бўлмади. Бу давр истиқболли ғоялар, халқаро лойиҳалар ва янги муносабатлар даври бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ана шу даврда Марказий Осиё ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ягона бўлган мазкур олийгоҳ, шубҳасиз, бир неча хорижий тилда гаплаша оладиган, эркинликни тўла ҳис этган, ўз овозига эга, замонавий, тезкор ва сиёсий майдонда дадил ҳаракат қила оладиган илк журналистларни тарбиялай олди. – 30 йилдан буён таълим

соҳасида фаолият юритаётган мутахассис сифатида айта оламанки, бугуннинг ёшлари аввалгиларидан анча фаол, улар 35-40 дақиқа давомида бир мавзу юзасидан тўхтамай, эркин фикр юрита оладилар, – дейди сиёсий фанлар доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев. – Бундай ҳолат уларни университетнинг «Сиёсий таҳлил» клубида ҳам фаол бўлишларига имкон беради. Уйлаймизки, яқин келажакда талабалар орасидан биз орзу қилган сиёсий шарҳловчилар ҳам етишиб чиқади. Ниҳоят ушбу соҳада ҳам янги ҳаёт бошланди, дея оламан. Зеро, айни пайтда журналистларимиз муаммоли масалалар ва уларнинг ечимлари бўйича қатор мавзуларни кўтармоқдалар. Бунга жамиятнинг эркинлашгани ҳам сабаб бўлмоқда. Университетда бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган. Талабалар бемалол инглиз, рус, турк,

араб ва бошқа тилларда репортажлар тайёрлашапти. Маълумотларга қараганда, айни пайтда университетда таҳсил олаётган 2590 нафар талабанинг 295 нафари магистратура йўналишида ўқимокда. Шунингдек, талабалар 8 та хорижий тилни ўрганиш баробарида, сиёсат ва минтақашунослик йўналишларида ҳам билим олишапти. Уйлаймизки, жорий йил университетни тамомлаётган 119 нафар қалдирғоч ўзбек журналистикасига 119 та янги овоз, 119 та янги ёшларни олиб киради. Зотан, улар таҳсил олган шароит ва муҳит бунга тўла имкон беради. Сўнгсўз ўрнида шунини айтиш мумкинки, ўзининг тўрт йиллигини нишонлаётган университет қисқа давр ичида анчайин қийин йўлни босиб ўтди, бу даврда фақат кучли ирода, оғир меҳнат ва, энг муҳими, Давлат раҳбарининг ишончи жамоа ва унинг етакчисига мадад

бўлганини айтиш жоиз. Сир эмас, юртимизда сукут сақлаб, кўзга ташланмасдан, энг асосийси, бирон-бир масалада хато қилиб қўйишдан чўчиб яшаётган ўнлаб олийгоҳлар бор. Шерзодхон Қудратхўжа жамоаси эса бошқача йўлдан борди: улар хато қилишдан чўчимадилар, кези келганда чегара-ю тўсиқларни бузиб ўтишди, ёшларга эркин фикр айтишни эринмай ўргатдилар, бунга ўзлари намуна бўлишди. Натижа эса узоқ куттирмади. Бугун университетни битирмай туриб, матбуотимиз юқига елка тутаетган ёшлар пайдо бўлди. Бу энг катта ютуқ, бу Шерзодхон Қудратхўжа ва унинг «командаси» юксак ишончни оқлаётганидан ҳам далолатдир. Табригимизни қабул қилинг, азиз ҳамкасблар!

«Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси

✓ Тўйхат ўрнида

Уқламайдиган ОДАМ

Умрни оқар дарёга қиёшлашди. Аммо кўпчилигимиз бу мақолни унчалик ҳам хуш кўравермаймиз. Зеро, ўтган вақтга, бой берилган даврлару имкониятларга ачинаш ҳисси бу паллада одамдан юқори бўлади. Яна бир гап, аксариятимиз бу «дарё»га надомат билан боқамиз. Дилда эса турли мулоҳазалар, ўйлар кечаверади... Афсуски, ўтиб кетган – вақт дея аталмиш бахтни ортга қайтариб бўлмайди.



Одамнинг ёши бир жойга етганда ортига бир назар ташлаши бор гап. Ана шу пайтда ўтган умрга ачинаиб, пешонага муштанадиган ёмон бўлмаса керак. Аксинча, орта қараганда ёруғ кунларни кўра олган, ширин хотираларини эслаб роҳатланадиган одамгина бахтли инсон бўлади. Партиямиз Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги фракциямиз раҳбари, фидойи, кўли очик ва меҳрибон сафдошимиз Тожибой Романов ҳам ана шундай бахтлилар сирасига киради, десак хато бўлмайди. 1961 йили олис Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманида туғилиб, шу юртининг нон тузидан баҳраманд бўлган, кейинчалик ўз меҳнат фаолиятини тумандаги 15-сонли мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлаб, бугун юрт Ешуллиларидан бирига айланган Тожибой оғага бугун ҳам кўпчилик ҳавас билан қарайди. – Эл тили билан айтганда оқсоқол ниҳол экди. Уларни меҳр билан парваришлаб, кўкартириб. Янаям аниқроқ айтсак, кўллаб шогирдлар етиштирди. Узига издошлар тайёрлади. Уларни элнинг хизматига солди. Мен ҳам ўзимни унинг шогирди деб биламан, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Оринбой Бекбергенов. – Асосийси Ешуллидан тўғрисиқликни, ҳақ гапни жойида айта билишни ўргандим. – Мен устозга қараб баъзида ҳайратда қоламан. Сира дам олмайдди. Қачон қарасангиз ишда. «Ҳоридим» деганини сира эшитмаганман. Эътибор беринг, у депутат сифатида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ва фуқаролар муурожаатлари бўйича тегишли вазирлик ва

ташкilotларга йил бошидан буён 60 дан зиёд депутатлик сўрови юборибди. Энг қувонарлиси, уларнинг аксарияти ижобий ечимини толган, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Алтингул Утениязова. Тожибой Романов юқоридега айтганимиздек, ўз меҳнат фаолиятини 1983 йилда ўқитувчиликдан бошлаб, 1995-96 йилларда Нукус шаҳар ХТБда инспектор, 1996-2000 йилларда Нукус иқтисодиёт касб хунара коллежи директорининг ўринбосари, 2001-2003 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича республика комиссияси масъул қотиби, 2003-2017 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бир қатор масъул лавозимларда ишлади ва 2017-2020 йилларда Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, «Маҳалла» жамоат фонди бўлими бошқаруви раиси, 2020 йилдан буён «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси раҳбари лавозимида ишламоқда. Дарвоқе, у 2015 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши раиси сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келаётган. – Депутат одамлар орасида бўлмоғи шарт. Ҳақиқий аҳволни, мавжуд воқеликни фақат жойларга чиқибгина билиш, англаш мумкин, – дейди биз билан суҳбатда Тожибой оға. – Одамлар билан самимий, дўстона қўл беришиб сўрашсангиз, улар ҳам сизга бемалол ичини ёради. Хўжайли туманидаги «Саманкўл» ва «Саришингул» овул фуқаролар йиғинлари туман-

нинг энг чекка ҳудудлари сирасига киради. Яқинда ана шу ҳудудда бўлди. Одамлар билан дилдан гаплашдик. Маъълум бўлишича, ҳар икки овулда тоза ичимлик суви ва электр энергияси таъминотидаги ҳолатлар ёмон экан. Қолаверса, «Саришингул» овулидаги 36-сонли мактабнинг йўли ҳам ниҳоятда таъмирталаблиги аён бўлиб қолди. Хўжатларда эса аксинча, ҳаммаси рисоладагидек, деб белгилаб қўйилган. Зудлик билан республика, туман мутасаддилари билан телефон орқали боғланиб, муаммо ечим бўйича гаплашдик. Натижада барча муаммо бир ҳафтада барҳам топди. Янги трансформатор урнатилди, овулларга тоза ичимлик суви келтирилди. Мактаб йўли рисоладагидек таъмирланди. Боя айтганим мажлисбозлигу кабинетбозликдан бироз чекинганимиздан сўнг чекка овулда шундай ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мен Президентимизнинг ушбу пурмаёно сўзларини доимо дилда сақлайман: «Ҳар бир раҳбар ҳар кунини шу лавозимга лойиқ эканлигини эл-юртга хизмат қилиб исботлаши шарт!». Бироз аччиқ бўлсада айтаман, бу ҳикматнинг асл мазмунидан ҳали кўпчилигимиз беҳабармиз. Тожибой оға шундай дея ўйга толади. Билмадим, шу пайтда унинг хаёлларидан нималар ўтаётган экан. Нима бўлганда ҳам боғлиқ суҳбатдошларим – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутatlари А.Утениязова ва О.Бекбергеновлар таъкидлаганларидек, Тожибой оға у эртанги яна бир ёруғ куннинг ташвишлари билан хаёлларида ҳам яшайпти...

Абдуғаффор ОМОНБОВЕВ, журналист

✓ Мерос

«САЙДАНА» АСАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Буюк қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал Берунийнинг (973-1048 й.) асарлари минг йилдан буён ҳақон илм аҳлига мукамал дарслик ва қўлланмалар вазифасини ўтаб келмоқда.

Олимнинг «Хронология», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия» ва «Масъуд қонунлари» каби асарлари бир мунча тўлиқ ўрганилган. Бироқ Берунийнинг сўнгги асари бўлмиш «Китаб ас-сайдана фи-т-тиб» («Тиббиётда фармокогнозия китоби») асари етарли ўрганилган эмас. Унинг ягона асл нусхаси 1927 йилда Туркиянинг Бурса шаҳрида топилган ва ўша ердаги кутубхонада сақланган. Форс тилига таржима қилинган нусхаси эса 1899 йилда Ҳиндистоннинг Лакхнау шаҳрида топилган бўлиб, ҳозирда Британия музейида сақланади. «Сайдана»ни рус тилига олим Убайдулла Каримов ўрганиб, «Фан» нашриётида 1973 йилда нашр этилган «Беруний» танланган асарларининг IV жилдини ташкил этади. «Сайдана» фармокогнозик асар бўлиб, тиббиётнинг қуроли саналмиш дори-дармон тайёрланувчи воситалар ҳақидаги маълумотлар йиғиндисидир. Фармакогнозия грекча «дори» ва «билим» маъноларини англатувчи сўзлардан иборат. Наботот, ҳайвонот ва маъддалардан олинган доривор воситалар ҳақидаги илмий фандир. «Сайдана» ўша вақтлари мавжуд бўлган доришунослик тарихи бўйича ёзилган энг қимматбаҳо манба ҳисобланади. Олимнинг бу асари Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»дан кескин фарқ қилади. Ибн Сино доривор воситаларнинг таркибини, хусусиятларини ҳамда касалликка таъсири, доривор воситалардан доринома бўйича малҳам, ичимлик, дори тайёрлашни аниқ ёзган. Беруний эса ўз асарида ана шундай доривор воситаларнинг турли тиллардаги муқобиллари, ҳатто айрим шевалардаги номларини ҳам келтириб ўтган. Чунки ўша вақтларда биргина дорининг турли номлари бор ва (ёки) битта атома турли дориларни англатар эди. Бу ҳақда Беруний шундай бир ҳикояни мисол келтиради: «Дориларнинг турли тиллардаги номларини аниқ билиш инсон учун фойдалидир. Менинг эсимда, хоразмлик бир амир касал бўлиб қолганида унинг давоси учун Нишопурдан доринома жўнатдилар. Лекин доришунослар, ҳақимлар дори таркибининг бир қисмини ҳеч топа олмайдилар. Ниҳоят, бир одамда борлигини эшитиб, дориворнинг ўн беш дирҳамини беш юз дирҳам тоза кумушга сотиб олишди. Ха-

рид қилинган модда гулсафсар илдири экан. Табибларнинг шаҳли чиқиб, сотувчига таъна қилишди. Шунда у: «Сизлар дориворнинг номини билмадингиз, лекин аслида шунини сўрадингиз» дея жавоб беради. Беруний гоҳо муаммолар келтирадиган бу каби чалқашликларни бартараф этиш мақсадида ўз асарида наботот, ҳайвонот, маъдан ва улардан олинган таҳминан 4500 та доривор восита ҳақида маълумот бериб, уларнинг арабча, сурёний, сўғдийча, форсча, хоразмча, туркча ва бошқа тиллардаги номларини келтириш билан бирга, ўша давр доришунослик атамашунослигига катта ҳисса қўшган. Олим гоҳ у атамаларга, гоҳ бу атамаларга изоҳ бериш жараёнида тиббиётга дахлдор талай маълумотларни ҳам бериб ўтганки, бу асарнинг қўлқирралигини таъминлаган. Муаллиф 2000 йиллик даврда яшаб ўтган табиблару ҳақимлар ва доришунос олимлар, табиатшунослардан 250 нафарнинг асарларидан фойдаланган. Урни келганда, мақоллар, шеърий парчалардан ҳам мисоллар келтириб, атамаларнинг маъно қирраларини ёритишга эришган. Доривор моддаларни изоҳлар экан, уларнинг шифобахшлик хусусиятларини ҳам очиб беришга интилган: «Ҳаворан гулли айиктовон ўсимлиги бавосилга даво бўлади, қизил гуллилари эса бавосилни кучайтиради... Бўтакўзнинг дамламаси ярачакларга малҳам бўлади. Лекин ҳақимлар бўтакўзнинг мижозини совуқ ва хўлга тенглаштиришди. У ҳолда яраларга малҳам эмас, тинчлантирадиган воситадир. Кубийун тоши ўткир таъмили ҳидга эга бўлиб, у йирингни тортиб олади». Беруний ва ундан олдинги давр тиббий атамалари шу доривор олинган даво маҳсулот номига, касаллик номига ва дорининг хусусиятларига нисбатан ифодаланган. Бу хизматлар ўтмиш табибларимиз ва табобатга оид фаннинг ҳалқчиллигини ва амалиётда қўллашнинг қўлайлигини таъминлайди. «Сайдана»да бу атамаларнинг бир неча тиллардаги муқобиллари ва синонимлари берилиши табобат илминини умумжаҳон аҳамиятига молик қилган. Улуғ аллома Абу Райҳон Берунийнинг буюк тарихий хизмати ҳам ана шунда.

Муҳаррама ПИРМАТОВА, УЗА

Бугун мамлакатимизнинг қай бир шаҳри ёки тумани марказида бўлманг, қалдирғочлардек тизилганча «чуқ-чуқ»лаётган дорихоналарни кўриб, дунё аҳлининг оғир дардга чалингани рост эканда, деган фикрга борасиз. У Тошкент бўладими, Кўкчилик ёки Қарши-ю Нукус бўлсин, бир хил манзара: ҳар ўн, ўн беш қадамда битта дорихона... Дорифуруш тадбиркорлар қатламининг бу қадар кенгайишига эса ОАВ, айниқса, телерадиоканалларда эълон қилинаётган рекламалар сабаб бўлаётди. Таклиф этилаётган дорилар орасида биргина ўлган касални тириктирадиган дори йўқ, холос.



ДАВР БИЛАН БИРГА МЕЗОНЛАР ҲАМ

ЎЗГАРИШИШ КИРАК

ёки Бош Қомусимизга инсон саломатлигини асраш билан боғлиқ янги модда киритилишини таклиф қиламан

Россиянинг Приморьесидатирилган наҳанг балиқнинг тиши ва бўйин суягидан тайёрланган малҳамдан тортиб, фақат ўзбекистонлик беморлар учун атайлаб Малайзия ўрмонларида ўсаётган энг ёш ниҳоллар илдиридиган тайёрланган дориларгача бор.

Начора, XXI асрга келиб даромад манфаат кўланкасига айланб, дунёни тижоратлашган жамият йўлига буриб бўлди.

Сиёсат – пул, ижтимоий ҳаёт – пул, санъат, маданият – пул, ҳатто «Ковид пардаси» остида минг-миглаб қурбон бўлган фуқаролар ва уларнинг яқинлари чеккан дард ҳам дори бизнеси вакиллари пул деган манфаат йўлидан қайтара олмади.

Ақсична, дардманд аҳоли кўзининг ёшидек оқиб келаётган бойлик уларни баттар кутуртирди.

Шу ўринда кичик бир ҳикоя тарзидаги тазарруни ўқувчи

этиборига ҳавола этсак: «Мен кимёгарман. Дори ишлаб чиқарувчи компанияларда ишлаган пайтимда дориларимиз беморларни даволаш эмас, балки касалликнинг ташқи аломатларининг йўқотиши зарурлигини таъкидлашар эди. Ҳақиқат шундаки, дори ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичи бу – касалликларни ихтиро қилишдир. Агар касаллик аломатлари кўринмай қолса, демек компания ўз мижозларидан айрича бошлайди. Бундан эса янги касалликлар ўйлаб топилуши зарурлиги аниқлашади.

Шундай пайтларда фармацевтлар томонидан жуда кучли маркетинглар ишга ёлланб, улар дори бизнесига узлуксиз талаб ошиб туришини таъминлаш билан шуғулланишди. Бу жиҳат билан пайтнинг ўзида шифокорлар ва ташхис қўювчи ускуналар бирлигида тизим-

га солинганини айтиш жоиз. Гарчи бугун дунёда йилга 128 минг киши рецетптаги хатолар туфайли оламдан кўз юмаётган бўлса-да, аммо инсоният дорилардан бутунлай воз кеча олмаяпти, олмайди ҳам. Чунки фармацевтика бу қонунийлаштирилган наркотика индустриясидир! Таблеткалар ҳар доим сабабларга эмас, асоратлар билан курашишга қаратилади. Бундай компания ёки дорихона дилерларига сизнинг касаллик сабабини йўқотганингизнинг кераги йўқ.

СОҒЛОМ ИНСОН – улар учун инқироздир!

Аммо уларга ўлик инсон ҳам инқироздан кам хавф туғдирмайди.

Шунинг учун ҳам улар учун – бемор яшаш, фақат ёмон яшаш, доимо дориларга тобе бўлиб яшаш керак.

Гарчи бемор «шифобахш» таблеткалар таъсиридан бир озгина энгиллик сезса-да,

фурсат ўтиб яна таблеткаларга қайтади. Ҳар янги хуружда аввалгидан кўпроқ, кучлироқ таблеткаларга муҳтожлик сезаётганини ҳис этиши мумкин.

Дориларга тобеълик ва уларга рўжў қўйиш – XXI аср цивилизациясининг характерли кирраси бўлиб, бу касалликнинг ўзи билан ҳам хавфлироқдир...».

Европада анчайин ном қозонган кимёгар Шейн Эллсон исмли кишининг аччиқ ҳақиқатларини эълон қилган «The telegraf» нашри бугун дунёни чирмовуқдай ўраб олаётган янги хуруж ҳақида хабар бераётган биринчи нашр эмас. Аммо бундай танқидлар таъсири маҳобатли денгиз тўлкинига юзма-юз келган томчи кучидек ожизлик қилапти. Тўғри, одамлар ана шу зарра-томчи дардини эшитишяпти, кўришяпти, аммо уни қабул қилишга келганда кучсизлик қилишяпти.

Бунда сотилган ёки сотиб олинган медианинг хизмати бекиёс бўлапти.

Сўзининг қудрати, тизимли тарғибот натижасида одамлар, айниқса, у ёки бу дардга чалинган қатлам наркотика индустриясининг пойига тиз чўкяпти. Беш қўл баробар эмас, албатта. Инсоф, диёнат кўчасидан чиқмай, беморлар дардига малҳам бўлаётганлар ҳам кўп. Аммо кейинги йилларда инсоф, иймон тушунчаларига фақат тилда амал қилаётган тадбиркор дорифурушлар қатлами ҳам пайдо бўлди. Буни пандемия пайтида айрим дориларнинг 5-6 баробарга қимматланганига ҳам кўрдик.

Дунё фармацевтикасининг қурол ва фоҳишабозлар савдосидек бекиёс даромад келтираётган соҳага айлангани ҳам бежиз эмас, албатта.

Бас шундай экан, бизда ҳам соҳани тартибга солувчи қонунлар кучайтирилиши ло-

зим, деб ҳисоблайман. Тўғри, амалдаги Конституциямизда ҳар бир фуқарога малакали тиббий хизмат кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Аммо бозор шароитида малакали хизмат арзон турмаслигини эътиборга олсак, бу модданинг реал ҳаётдан анча узоклиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам биз ўтган сайловларда тиббий сугурта тизимини жорий этиш таклифини илгари сургандик.

Ўтган икки йилдаги воқеа-ҳодисалар, айниқса, пандемия даври таҳлиллари инсон соғлиги ҳар қандай бойликлардан ҳам қиммат эканини, шунинг учун ҳам Бош Қомусимизга тиббий сугурта билан боғлиқ модда киритилиши лозимлигини кўрсатиб қўйди.

Сайфулла
МАХМАТМУМИНОВ,
партиянинг Қашқадарё
вилояти Кенгаши раиси,
шифокор

Халқаро эфир



Маънавий салоҳиятимиз

ДУШЕНИНГОҲИДА

Миллатимиз етакчиси Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан жадал илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс ғояси кўп жиҳатдан тарбия, миллий маданият, илм-фан, ва албатта, кўҳна муслиқий кадрларимизга тааллуқли, десак хато бўлмайди. Зеро, бугунги маънавий трансформациялар жанарида миллатнинг генетик кодини ўзида мужассам этган миллий муслиқимиз моҳиятини тубдан идрок этиш зарурати ҳам долзарб бўлиб турибди. Қувонарлиси эса, ушбу мураккаб ва айна пайтда ўта нозик соҳада фаолият юритаётган хашилар, айниқса, етук ҳамда нозик дидли олимларимизнинг илмий тадқиқотлари дунёда тан олинган муслиқшунослар эътирофини ҳам қозонмоқда.

Таниқли муслиқшунос, илм-фан, санъат, маданият ва медиа соҳасидаги қатор инновацион лойиҳалар креатори Ирода Дадажонов ва «Миллий тикланиш» ижтимоий-сиёсий газетасининг фаол муаллифи, муслиқашнос-файласуф, санъат ва маданият антропологи Латофат Толибжоноваларнинг Ўзбекистон номидан I Халқаро Турк дунёси муслиқ ва рақс симпозиумидаги чиқишларини кўриб, юқоридagi фикрлар хаёлимдан ўтди.

«Music theory in the Muslim Renaissance» ҳамда «Creating community and navigating identity through song: what do Uzbek women want?» мавзуларида соф инглиз тилида илмий маъруза қилган олимларимиз миллатимиз, ўзбек муслиқшуносларининг салоҳияти, иқтидори ва чуқур билимларини намойён этиш баробарида туркий халқлар муслиқасига доир йирик халқаро илмий лойиҳада иштирок этиш таклифини ҳам олдиларки, бу шубҳасиз ўзбек муслиқшунослари фаолиятига берилган яна бир юксак баҳо ҳам бўлди.

Ўзбек олимларининг бундай ютуқлари юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз салоҳият ва имкониятларини рўёбга чиқариш йўлида олиб борилаётган ишларнинг натижаси, албатта. Анчайин вазмин ва

узоқни кўзловчи миллат саналган япон файласуфлари «Бизга маърифатли оналарни беринг, биз сизга мамлакатни юксалтириб берамиз!», деб ёзган эканлар.

Аммо кунчиқар юрт мутафаккирларигача ҳам ушбу мавзуга кўпчилик, хусусан, жадид боболаримиз ҳам мутасил мурожаат қилганларини таъкидлаш жоиз.

Масалан, «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йилда чоп этилган 11-сонида «Ўғил болалардин кўра қиз болаларга илм, ҳунар лозим эканлигини хотирингиздан чиқармасдан тездан ибтидий мактаблар очмакка, маъсума қизларингизни дунёда бахтли ва саодат ила яшатурга ошигингиз», дея халққа мурожаат қилинган экан.

Мана, орадан юз йилча вақт ўтиб, тузум ва тизимлар ўзгарди. Аёлга муносабат давлат аҳамиятига молик давлат аймаглари учун ҳам хотин-қизларнинг таълим олишлари учун етарлича шароитлар яратиш бўйича тарихий фармон ва қарорлар, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилинди. Ушбу ҳужжат доирасида пойтахтда хотин-қизлар учун алоҳида университет ва жойларда унинг техникумлари ташкил этиладиган бўлди. Шу йилнинг ўзидаёқ 2 минг нафар қиз алоҳида грант асосида олий таълимга қабул қилинди – яъ-

ним, олий ўқув юртларига кирган талабаларнинг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Янги ўқув йилдан эса таълим контрактларини тўлаш учун қизларга илк маротаба 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинган. Бунинг учун давлат бюджетидан триллионлаб маблағ ажратилган. Шунингдек, магистратурада ўқибётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб бериладиган бўлди. Олима аёллар улушини ошириш учун эса докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили қамидга 300 тадан мақсадли квота ажратилиши белгилаб қўйилди.

Бу ишлар, охир-оқибат, жамиятимизда янги маънавий муҳит яратиш, Учинчи Ренессанс учун бақувват пойдевор ҳосил қилишти, десак хато бўлмайди. Натижада илмий, маърифатли аёлларнинг – миллат оналарининг миллат тақдири учун жон қойиладиган маърифатпарвар авлоди шаклланди.

Тўғри, бу жараён осон кечаётгани йўқ. Айрим валломатлар ҳали ҳам аёлларга «қора кўзойнак» орқали қарамоқдалар. Уларнинг билим ва салоҳиятини, иқтидор ва ташаббускорлигини тан олишга юраклари дош бермаяпти. Яъни, бу жараён ўзига ҳос қарама-қаршиликларсиз кечмаяпти. Кўплаб опа-сингилларимиз миллат манфаатини бир қоп цемент, бир арава ўтин, битта гилам,

боринги, битта муслиқ асбобини қимматроққа сотиб олиб, устидаги фоизи учун яшашни мақсадга айлантирган айрим «дохий»лардан кўра, ўзларини бандароқ тутмоқдалар. Улар туну кун ўз касбига, оддий тилда айтганда, ҳар қандай масалага одамийлик нуқтаи назаридан ёндашишни маъқул кўришяпти. Ва, шунинг учун ҳам улкан ютуқлар муаллифига айлинишяпти...

Кимгадир яхши кўриниш, кимнингдир миннатли раҳматини эшитиш учун эмас, шу юрт, шу миллат фарзанди сифатида ўзбекининг шаъни, обрў эътибори учун хизмат қилишяпти. Ва, бу билан мақтанишни ҳам ўзларига эп кўрмайаптилар...

Юқорида таъкидланганидек, бугун зиё билан жамиятни ислоҳ қилишни истаган миллатпарвар оналаримизнинг орзу-армонлари ушала бошланди.

– Фақат бугуннинг аёлидан шадд, интилиш, изланиш талаб этиляпти. Дарвоқе, замонавий «матбуот» – ижтимоий тармоқлар ҳам бугун «таълимли оналар» масаласига бепарқ эмас. Олий маълумот олиш биринчи гада кимга зарур, мазмунидаги сўровномаларда ҳам «қиз болани ўқитиш зарурроқ», деган овозларнинг кўпроқ янграётгани эса жамиятнинг ичдан ўзгараётганидан далолатдир, – дейди Ирода Дадажонов. – Жамият ҳаётида маънавий-маърифий ишларни кучай-

тириш бўйича давлат сиёсатини тўлиқ амалга ошириш йўлида барчамиз бирлашиб ҳаракат қилсак, ажабмаски, ўзбек аёллари орасидан ҳам Нобель мукофотига сазовор олималар чиқса. Ҳар сафар кутлуф кунлар, байрамлар арафасида ният қиламиз: инновацион форматда иш юритадиган, дунё эътиборида турган актуал илмий мавзуларга дадил юзланадиган, назариётни амалиётга боғлаб ўрганадиган, таҳлил қиладиган ва мавжуд масалаларга реал ечим излайдиган, ёш иқтидорларни топиб, янги ва яхши илмий ташаббусларга қанот берадиган, мотивацион ва ислоҳотчилик салоҳияти-ю самимияти билан ёшларга етакчилик қилиб, ўз соҳасида буриллилар ясашга қодир олима аёлларимиз кўпайсин...

Ҳа, чиндан ҳам Янги Ўзбекистонда юксак билим ва салоҳиятга эга, шижоатли, қатъиятли опа-сингилларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар қанча кўп бўлса, жамият шунча тез ривожланади.

Маданият вазири Озодбек Назарбеков раҳбарлик қилаётган Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муслиқ санъати институтида ҳам шундай олимларимизнинг борлиги эса нафақат ушбу жамоанинг, балки ўзбек муслиқшунослигининг ҳам ютуғидир.

Маҳбуба КАРИМОВА

САЛЛАГА ЭМАС, КАЛЛАГА ИШҚИБОЗЛАРГА КИМ БАҲО БЕРАДИ?

Ўтган куни тунги соат 01:00 лар атрофида вилоятдан келадиган «почта»сини олишга кетаётган танишим «Камолон» кўприги яқинида бир дустини учратиб қолибди.

Дўсти билан беш-ўн дақиқалик учрашув вақтида Ички ишлар тизимига тегишли оқ автобус келиб, уларни ҳеч бир асосиз «РОВД»га олиб кетишади. Танишимнинг ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатишга уринишлари ҳам бесамар кетади, аксинча, «маска»даги «ака»лар қўлидаги электрошокерга ишора қилиб, 2 та дўстни Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлимига боришга мажбур қилишади.

«Эсдалик» учун расмга тушиб, аллақандай «база»га киритилдилар. 1 соатдан кўпроқ вақтини йўқотган танишим ҳеч нимани тушунмаганча, уйига қайтибди. Нима эмиш, шаҳарда «Хавфсиз биннима» тadbири ўтказилаётган эмиш! Аниқлаштириш мақсадида сўрадим: — Мабодо, дўстингизнинг соқоли бормиди? — Йўқ-даа... Ана энди ҳақли бир савол туғилади: ўша тadbир давомида кўчада шунчаки сайр қилиб юрган ёки суҳбатлашаётган

фуқароларни аллақандай қуруқ ҳисоботлар учунгина сарсон қилиш топшириғи берилмагандир? Ёки шаҳарда фалон соатдан кейин юрилмаслиги тўғрисида махфий топшириқлар борми? Қандай сабаб билан тинч аҳоли қўриқланадиган худудга олиб келинди унда? Мақсадсиз ҳаракат ишчи турчи, маблағ, умуман барча турдаги ресурсларнинг мақсадсиз сарфланишига сабаб бўлмайдими? Бундай ҳолатда салла деса, калласи билан қўшиб олиб келаётганлардан

хукумат ҳам, халқ ҳам рози бўлмайдими-ку... Айтганча, бу масалада қонуний изоҳ беришларини сўраб Ички ишлар вазирлигининг 1102 ишонч рақамига мурожаат қилдим. Агар жавоб беришса, албатта, воқеалар тафсилотини маълум қиламан.



Саодат СОДИҚОВА,
журналист

«Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси» китоби тақдироти бўлиб ўтди

Ўзбек ва тожик халқлари азалий дўстлик ва яхши кўшничлик аъёнларини давом эттириб келмоқда.



1992 йил 22 октябрда мамлакатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Айтилган пайтда икки мамлакат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг сиёсий иродаси ва биргаликдаги жадал саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро муносабатларни янада тараққий эттириш йўлида муҳим қадамлар қўйилаётди.

Буюк мутафаккирларимиз Алишер Навоий ва Жомий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода, Абдулла Орипов ва Лойиқ Шерали ўзбеклару тожикларнинг самимий ва соф дўстлигини тараннум этган. Қайд этиш жоиз, ҳар икки миллатда ҳам илм-фан, адабиёт соҳасининг етуқ намояндаларига эҳтиром кўрсатиб келинмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўзбек ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари — Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ҳайкал ўрнатилган эди. Ана шу эзгу ташаббусга жавобан Душанбе шаҳрида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда икки буюк сиймонинг ҳайкали қад ростлади.

Президентимиз 2021 йил 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасига расмий ташрифи чоғида Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр қилишни таклиф этган эди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси «Ўзбекистон-Тожикистон» дўстлик жамияти ҳамда Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази жамоатчилиги ташкилоти билан ҳамкорликда «Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси» китоби нашр қилинди.

Китоб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий гранти асосида чоп этилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда дўстлик жамияти вакиллари томонидан 2021 йилнинг 20-21 сентябрь кунлари мазкур китобнинг Тожикистоннинг Душанбе ва Хўжанд шаҳарларида илк тақдироти ўтказилган эди.

Икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар ривожланиб бораётганлиги, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 24 май куни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида мазкур китоб тақдироти ўтказилди.

Тadbирда Тожикистон Республикаси, Сўғд вилояти ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази жамоатчилиги ташкилоти раиси И.Юсупов, ўзбек ва тожик ижодкорлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вакиллари ва адиблар ҳамда «Ўзбекистон-Тожикистон» дўстлик жамияти аъзолари, миллий маданият марказлар раислари ва фаоллари иштирок этди.

Китобдан ўзбекистонлик ва тожикистонлик адибларнинг энг сара ижод намуналари жой олган.

Тadbирда чоп этилган «Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси» китоби хусусида мутахассислар томонидан тўлиқ маълумот берилди. Бу борада йиғилганларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА

Луқма

Маънавиятни «майна» қилаётганлар

Бир тарихий ҳодисани қайта-қайта такрорлашни яхши кўраман. Ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ иттифоқ раҳбарлари Афғонистон ё Ҳиндистонга боришади. Шунда улар сигирлар устига кўниб турган қушни кўриб қолишади ва бу қуш билан қизиқиб қолишади. Мезбонлар бу қуш сигирлар териси ичидаги канани ёйишни айтишади. Шундан кейин меҳмонлар мана шу қушни Марказий Осиё республикаларига олиб келишга қарор қилишади. Мана, ўша воқеага ҳам 50 йилдан ошди. Натижаси маълум — минтақамизда маҳаллий қушлар деярли қолмади. Афғон майнаси (ёки хинд майнаси) деб аталувчи бу қуш сигирларимиздаги

канага қайрилиб қарамагани ҳам майли, балки бошқа қушларнинг туҳумига ҳам қирон келтирдилар. Ҳозиргина хусусий телеканаллардан биридан раҳматли Мухриддин Холиқовнинг «Қиз бола» қўшиғини бошқа бир хонанда ижро этганини кўриб, Афғон майнаси билан боғлиқ ўша воқеа ёдимга тушди. (Изоҳ ўрнида: *нафақат афғон майнаси, балки майна туридаги қушларнинг ҳаммаси бошқа паррандаларнинг туҳумини йўқотади*). Хусусий телеканаллар ўз номи билан хусусий. Ўзлари билганича, яъни асосан кўпроқ даромад топиш мақсадида турли кўрсатувлар тайёрлашади. Лекин миллат маънавияти,

миллат маданиятини ҳам ёддан чиқармаслик керак, назаримда. Майли замонавий хонанда эски қўшиқни бугунги кун оҳанглирига мослаб айтиши мумкин. Бироқ шу заҳотиёқ ана шу қўшиқ унинг асл эгаси ижросида ҳам берилса яхши бўларди. Шунда сиз ҳам, кабоб ҳам куймасди. Ёшлар тасодифан Мухриддин Холиқовнинг «Қиз бола»сини эшитиб қолса, албатта, унинг бузиб айтганини таъкидлашдан қўрқаман. Бировларнинг қўшиғини уялмай айтаётган хонандалар эса хусусий ТВда могор босандек тўлиб кетди. Шу тариқа улар гўё бизнинг ёшлигимизга ханжар санчаётгандек. Сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ



«УЧАСТКАВОЙ» ҲАМ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАСА КЕРАК?!



Юнусободда вояга етмаган қизга тегажоглик қилингани ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқларда турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Афсусланарли жиҳати шундаки, кейинги пайтларда жамоат жойлари ва жамоат транспортида ёш қизларга нисбатан шундай хатти-ҳаракатлар қилингани ҳақидаги хабарлар кўпайиб бормоқда.

Сал олдинроқ метрода ҳам худди шундай жиноятга қўл урган шахс аниқланган эди. Хуқуқ-тартибот органлари аҳолининг эътиборини тортган мазкур воқеа сабабчисини ушлаганидан кейин эса адолатни истаганлар, «булар экан-ку, бу бошқаларга мактаб бўлади» қабилида фикр-мулоҳазалар билдира бошлади.

Аммо негадир, айрим юртдошларимиз учун метро воқеаси «қиссасидан хисса» бўлмаган кўринади. Ачинарлиси, катта ёшдаги эркек кишининг ўз фарзандидек қизалоқнинг изига тушиб, «шаҳар бедарвоза эмас»лигини унутганидир. Кейинги йилларда мамлакатимизда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Аммо...

Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарорига асосан ушбу шахсга 10 сутка маъмурий қамоқ ҳамда жазо жазоси тайинланганидир. Афсуски, бу қизнинг соғлиғига етказилган асоратдан фориғ бўлишига туртки бўлмайди. Бу каби жиноятларнинг «Майда безорилик» сифатида малакаланиши эса шундай ҳолатларнинг олдини олишга тўсиқ бўлмайди, албатта.

Маълумки, маъмурий қамоқ ёки жарима қўллашдан асосий мақсад бу бошқалар кўрсин, эшитсин ва шунга ўхшаш ноқонуний, инсон боласи учун номуносиб хатти-ҳаракатлардан ти-

йлиши учун қўлланилган жазодир. Лекин жазонинг ёнгиллиги ва ўша шахснинг деярли номъалум бўлиб қолаётгани профилактик таъсир аҳамиятини йўққа чиқаряпти, десак хато бўлмайди.

«Миллий тикланиш» демократик партиясида мазкур масала кенг муҳокама этилди. Масаланинг туб илдишларига етиш бу каби жамият учун хунук воқеаларнинг такрорланмаслиги, унинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриш мақсадга мувофиқлиги устида таклифлар билдирилди.

Муҳокамалар чоғида мана шундай жиноят учун жазо турларини кучайтириш, жиноятчини ҳеч бўлмаганда ўз маҳалласида муҳокама қилиш кераклигини маъқулловчилар ҳам кўпчиликини ташкил этди. Бундан ташқари, бу воқеа таълим муассасалари ва маҳаллаларда ёшлар иштирокида муҳокама этилиши ҳамда тушунтириш ишларини кучайтириш лозим, деган фикр ҳам кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Шу ўринда воқеанинг энг ажабланишли томони — бу участка ходимининг жабрланувчилар томонидан берилган аризани қабул қилишдан бош торгани, дейиш мумкин. Бу ҳолатни ўз ишига совуқонлик билан қараш сифатида малакалаш нотўғри, албатта. Маҳаллада тинчлик-осойишталикнинг кафолати сифатида фаолият олиб бораётган орган ходимининг бу хатти-ҳаракати қуюшондан чиқши, ўз хизмат вазифасини унутиш, оддий аҳоли тақдирига бефарқликдан бошқа нарса эмас. Уйлаймизки, бундай «либерал» ходим ҳам четда қолиб кетмаслиги ва одил суд томонидан тегишли жазосини олиши лозим. Токи, бу соҳанинг бошқа ходимлари учун мактаб бўлсин.

Ўрол ҲАЙТОВ,
Марказий кенгаш ходими

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
158
ОБУНА ИНДЕКСИ
ОБУНА — 2022!

«БИЗНИНГ ЖАҲОЛАТ»



“Oila va tabiat» газетасида эълон қилинган ушбу мақолада миллионлаб юртдошларимиз эътибор қаратиши ва хулосалар чиқариши лозим бўлган мавзу кўтарилгани боис уни «Миллий тикланиш» ўқувчилари ҳукмига ҳавола этмоқчимиз. Ўқинг, фикр юритинг, хулоса чиқаринг!

Бир аср аввал – 1906 йили ўзбек миллий матбуотининг дастлабки нашри ҳисобланган «Тараққий» газетасининг нишона сониде Мунавварқори Абдурашид-хонов мамлакат ҳаёти учун энг долзарб ва муҳим бўлган ўткир бир мавзунини кўтариб чиқди. Мақола таълим тизимидаги муаммолар таҳлилига қаратилган бўлиб, «Бизнинг жаҳолат – жаҳли мураккаб» деб номланган эди...

Мунавварқори ҳазратлари аъёнавий таълимнинг қотиб қолган, тушунарсиз ва кераксиз хусусиятларини очиб беради. Миллат фарзандлари йилларча ўқувга қатнаб, пул санаш (насия ёзиш)дан нарига ўтолмаётганидан, уларга сарфланаётган шунча ҳаракат ва харажат беҳуда кетаётганидан халқни огоҳ бўлишга чақиради. Муаллифининг фикрича, буларнинг барчаси таълимни йўлга қўйишдаги биров-тадбирсизлик юзасидан содир бўлган.

Мунавварқори ўз фикр-мулоҳазаларини фақат назарий жиҳатдан эълон қилиш билан чекланмасдан, XX аср бошларида янги усулдаги мактаблар очишда ҳам жонбозлик кўрсатди. Уларда аъёнавий таълимнинг асрлар синовидан ўтиб келаётган, қомусий олимлар етиштириш учун асос бўлиб хизмат қилган энг илгор жиҳатларини янги дунё илмий ютуқлари, хусусан, ишлаб чиқаришнинг янги таъминоти билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни мақсад қилиб белгилади. Унинг фикрича, фарзандлар аъёнавий миллий таълим хусусиятлари билан биргалликда жаҳон илм-фанини ҳам пухта эгаллаши лозим эди.

Уша даврдаги миллат зиёлилари ўз олдига қўйган бундай мақсадга қисқа муддатда эриша бошлади. Жараён оммавий қатагон тизими ишга тушунга қадар давом этди...
Маърифатпарварлар фанларни керак-нокеракка ажратмасдан, ҳеч бирини чиқитма чиқармасдан, барча илм ва фанларни бир бутун тизим сифатида ўрганиш ва ўргатиш йўлидан боришган эди. Зотан, бу кўп асрлик

аждодлар ҳаётида синовдан ўтиб, ўз самарасини бериб келаётган ёндашув эди. Шу сабабли улар қироат, ҳадис, ахлоқ, ислом тарихи ва ҳуқуқи, ақида, туркий, арабий ва форсий луғат дарслари билан бир қаторда география (ер юзи), геометрия (ҳандаса), математика (ҳисоб илми), астрономия (фалакиёт), рус ва бошқа хорижий тиллар каби фанларни ҳам ҳар бир ўқувчи ўрганиши зарур, деб ҳисоблашган. Қисқаси, уша давр воқелигига эндигина кириб келаётган замонавий технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш техникаларини бошқариш, ҳатто банк тизимида иш юритиш масалалари ҳам таълимдан ташқарида қолмаган. Шунинг учун таълим дастлаб маҳаллий мактабларда бошланиб, кейинчалик хориждаги махсус таълим даргоҳларида давом эттирилиши кўзда тутилган. Бунга сабаб маҳаллий шароитларда имкон бўлмаган илм ва амалиётни хорижда ўрганиб, кўникма ва малака ҳосил қилинишини таъминлаш бўлган.

Умуман олганда, илм-фанга бир бутун тизим сифатида муносабатда бўлиш бизнинг тарихимизда ҳамisha барқарор бўлган жараёндир. Ҳатто тор мутахассисликларга ихтисослашиш ҳодисаси ҳам барча зарурий илмларни комплекс ўзлаштиргандан сўнг юзага келган. Шу зайдда муайян соҳа бўйича катта даражаларга эришган жаҳон миқёсидаги олимларимиз илмнинг бошқа соҳа ва тармоқларида ҳам улкан муваффақиятларни қўлга киритганига гувоҳ бўламиз.

Мисолларга мурожаат қилайлик.
Абу Наср Форобий етмишдан ортиқ тилни мукамал билган. Лекин ҳозирда биз уни фақат тилшунос олим сифатидагина ўрганаётганимиз йўқ. Сабаби, у ўнлаб чолғу асбобларини маҳорат билан чала олган, мусикалар яратган, бу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган олим бўлган. Фалсафа ва мантиқ бўйича катта асарлар эзиб қолдирган. Қадимги юнон



“Абу Наср Форобий етмишдан ортиқ тилни мукамал билган. Лекин ҳозирда биз уни фақат тилшунос олим сифатидагина ўрганаётганимиз йўқ. Сабаби, у ўнлаб чолғу асбобларини маҳорат билан чала олган, мусикалар яратган, бу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўзлаштирган олим бўлган.”

олимлари асарларини араб тилига таржима қилиб, уларга шарҳлар битган. Адабиёт, тиббиёт ва аниқ фанлар бўйича ҳам бир қатор илмий рисолалар яратган. Манбаларда келтирилишича, шундай катта илмий салоҳият эгаси бўлган Форобий богбонлик билан тирикчилик қилган.

Абу Райҳон Беруний тарихчи, этнограф, тилшунос, маъданшунос, географ, диншунос, ислом илмлари бўйича етук олим сифатида танилган. Ақл-заковати билан Христофор Колумбдан беш аср олдин янги қитъа (Америка) ҳақидаги асосли илмий қарашни назарий жиҳатдан тақдим эта олган.

Абу Али ибн Сино бобомизни асосан тиббиёт соҳасининг билимдони сифатида таниймиз. Аммо унинг фалсафа, мантиқ, риёзиёт, фалакиёт,

музыка, адабиёт, доришунослик борасидаги улкан илмий мероси чинакам қомусий олим бўлганидан далолат беради.

Бу каби қомусий олимларимиз бугунгача жаҳон илм-фани тараққиёти учун асос бўлиб турган салмоқли илмий мерос қолдириб кетишгани ҳаммага кундай равшан. Аммо ҳозирда орадан минг йилдан зиёд фурсат ўтди, энди анча нарсалар ўзгарган, деб ҳисоблайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Келинг, яна бир мисолга назар солайлик. Яқин тарихимизда – XX асрда яшаб ўтган ватандошимиз Алихонтўра Соғуний биринчи ўзбек маршали сифатида эътироф этилади. У ўз даврида миллий давлатчилик тизими, давлат ва ҳуқуқ асослари, бошқарув ва ҳарбий салоҳиятни маҳорат билан эгаллаган йирик шахс бўлиб тарихда қолган. Шу билан бирга, Соғунийнинг ислом тарихи, тиббиёт, Туркистон халқлари тарихи ва этнографияси, ботаника, фармацевтика, адабиёт каби соҳалардаги илмий мероси ҳам катта ва салмоқлидир.

Шонли тарихимизда яшаб ўтган бу каби буюк сиймоларни санаб адоғига етиш қийин. Бугунги тараққиётимизнинг ҳар бир жаҳсида уларнинг илмий меросларидан муайян даражада истеъфода этиб келиняпти.

Энди тарих зарварақларини ўз ўрнида қолдириб, бугунги воқелигимизга қайтсак. Бугун ҳам ўрта ва умумий таълимда аждодларимиз ўқиб ўрганган фанларнинг кўпчилиги ўқитилаяпти. Шунча фанлар ўзи керакми-йўқми? Керак бўлса, нима учун керак қабилдаги маълум пайдо бўлиши бизга яна юқорида Мунавварқори таъкидлаган жаҳолатимизни намоён қилади.

Кейинги пайтларда ўн бир йиллик мактаб тизимида ўзлаштирилмаган барча билимни бир четга қўйиб, бир йил давомида махсус ёланма ўқитувчининг шахсий дастури асосида фақат икки-уч фандан тест синовларига тайёргарлик кўриш негадир афзал тутилмаган бўлди. Шу зайдда «фалон фан нимага

керак?», «Фалон фанни ўқиш шартми?» қабилдаги галати ёндашувлар юзага келди. Булар ҳали гўр, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ўқувчиларнинг ҳаёлида бўлишининг ўзи – жаҳолат. Лекин бу хомхалфага ота-оналар ҳам дастак бўлиши яна ўн қарра жаҳолатдир. Ота-онанинг бундай ёндашуви билан бола мактабдаги таълим тизимидан қониқмай, ота-секин узоклаша бошлайди. Бора-бора болада мактабда ўқиш кераксиз ва бемаъни бир юмушга айланиб қолади. Ўзига керак деб ҳисоблаган бир-икки фанни амал-тақал қилиб, «ўзлаштириб» олади.

Мактабда биргина фандан дарс берадиган ўқитувчи ҳам кези келганда умумий ўрта ва олий таълимдаги барча фанларни ўқиб ўзлаштирган, Шундан кейингина у муайян бир фандан дарс беришини тасдиқловчи ҳужжатни қўлга киритган. Ўқитувчининг фақат битта фандан дарс бериши у шу фаннигина ўзлаштиргану бошқа фанларни ўқимаган, демак, ўқувчи ҳам барча фанни ўқиши шарт эмас, деган хулоса чиқариш учун асос бўлмайди. Ҳар бир ўқитувчининг дипломига ўқиган фанлари ва улардан ўзлаштириш даражаси қайд этилган ҳужжат илова қилинган бўлиб, дипломнинг ўзи шу иловасиз ҳеч қандай кучга эга эмаслигини бугунги кунда ўқувчилар билмасам ҳам, катталар ва ота-оналар жуда яхши билсалар керак.

Ижтимоий ҳаётни кузатсак, кейинги пайтларда кундалиқ турмушимизда содир бўлаётган ва кўпчиликка катта талафот етказётган салбий ҳолатларнинг аксариятида баъзи «мутахассис»ларда ўз ишидаги бирон масалага комплекс ёндашувнинг йўқлиги оқибатларини кўрамыз. Мисол учун, аҳолига янги уй-жой лойиҳаларини тақдим этаётган мутахассис объектларга иқлим шароитининг, хусусан, шамолнинг таъсири ҳақида бош қотириб ўтирмайди. Унинг назарида, бу – бошқа бир мутахассиснинг иши. Бошқа мутахассис эса, иқлим таъсирини ўзича ўрганади ва

унинг лойиҳалаш-қурилиш масаласига татбиқ қилиниши билан деярли қизиқмайди. Тўғон қурилишини зиммасига олган ташкилот эса, фақатгина қуруқ объектни топшириш билан ўз вазифасини тугатади. Объектнинг жуда катта миқдорда сув сақлаш учун бардошлилиги, гидротехник талаб ва меъёрларга жавоб бериши қурувчи мутахассиснинг эмас, сув омбори қоровулининг зиммасида тутилади. Гўёки сувнинг дамбани бузиб чиқиб кетмаслигига қоровул масъулдек.

Яна бир кичик мисол. Жойларда йўллар янги асфальт қилингандан кейин дарров қувор ўтказиш ишлари бошланади. Бу ҳаммани хуноб қилади. Лекин шаҳарсозлик, ирригация, коммуникация ишларини умумий бир тизимда кўра оладиган мутахассисни топиш негадир анқонинг уруғи бўлиб борапти.

Мисолларни инсон саломатлиги билан боғлиқ ҳолатда кузатсак, янада аянчлироқ оқибатларга дуч келамиз. Таннинг бир аъзосига тавсия қилинаётган препарат бошқа аъзо фаолиятини буткул издан чиқариши мумкин. Бахтга қарши, тана аъзоларини муолажа қилувчи мутахассислар ҳам кўпинча бир-биридан хабарсиз ҳолда алоҳида-алоҳида иш кўриши учраб туради.

Фарзандларимизга ўқитилаётган фанлар орасига хитой девори қўйиб, фанларни бир-биридан ажратиб, керак-кераксизга чиқариб ташлаш янада каттароқ талафотларга сабаб бўлиши мумкин. Ўқувчи фақат бир-икки фан керак, бошқалари муҳим эмас, деб ҳисоблаш, худди ўсаётган ниҳол учун фақат тупроқнинг ўзи кифоя қилади, унга сув, ҳаво, қуёш нури ва бошқа озукалар шарт эмас, қабилдаги фикрлашга ўхшайди.

Бошқалар Ойни забт этаётган пайтда бизнинг бу зайддаги ёндашувимиз жуда қимматга тушиши тайин.

Соҳибназар ТУРДИАЛИЕВ
Манба: «Oila va tabiat» газетаси.

✓ Матбуот анжумани

Кўп қаватли уйларнинг ярим ертўла қаватларида яшаш хонадонларини жойлаштириш бўйича меъёрлар маълум қилинди

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Қурилиш вазирлиги томонидан кўп қаватли уйларнинг ярим ертўла қаватларидан яшаш майдони сифатида фойдаланишнинг умумий қоидаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги «Янги Ўзбекистон» массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ҳудудларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш, инфратузилмани яхшилаш ва комплекс тарзда қуриш мақсадида 29 та массив танлаб олингани қайд этилди.

Шунингдек, 2022-2026 йилларда қарийб 73 минг хонадонли 2 линг 100 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қуриш режа қилингани қайд этилди. Бунда 51 минг 540 ўринли умумтаълим мактаби, 16 минг 650 нафар болага мўлжалланган

мактабгача таълим ташкилоти, 2 минг 620 қатновли тиббиёт муассасалари ва бошқа объектларни қуриш мўлжалланган. Масаласида массивларда қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уйларнинг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бунда 7 та типда 5, 7, 9, 12 ва 16 қаватли уйлар қуриш кўзда тутилмоқда. Мазкур қурилиш ишларида ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитига алоҳида эътибор берилмоқда. Массивларда дарахт экиш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бирламчи масала деб қаралмоқда.

– Шу ўринда мазкур уйларнинг ярим ертўла, яъни цокол қаватларида яшаш

хонадонларини жойлаштириш бўйича меъёрлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман, – дейди қурилиш вазири ўринбосари Ш.Жаҳонгиров. – Кўп қаватли уй-жойларнинг ярим ертўлаларида яшаш жойларини ташкил қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича бир қатор талаблар белгиланган. Булар, албатта, хорижий амалиёт, давлат стандарти ва санитария нормалари асосида ишлаб чиқилган.

Энди савол туғилади. Янги қурилаётган турар жой биноларининг ярим ертўла, яъни цокол қаватларида қандай ҳолларда яшаш хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади? Ер ости сувлари ер сатҳидан 3 метрдан пастда бўлганда,

ярим ертўла (цокол)нинг камида учдан бир қисми ер устида бўлганда, хоналарининг полдан шифтгача баландлиги 2,4 метрдан кам бўлмаганда яшаш хоналарини жойлаштиришга йўл қўйилади.

Бундан ташқари, муҳандислик тизимлар яшаш хоналарини инobatга олган ҳолда жойлаштирилганда, ташқи деворлари ва полларида иссиқлик ҳимояси таъминланганда, 0331-16-сон санитария нормалари талаблари бажарилганда, хоналаридан тўғридан-тўғри ташқарига қилувчи деразалар бўлганда ярим ертўлалардан мақсадли фойдаланишга рухсат берилади.

Си 2 соатдан кам бўлмаганда, ҳавонинг яхши айланиши таъминланганда, яшаш хонадонларидан эвакуация талаблари бажарилганда, таом тайёрлаш учун электр плиталардан фойдаланилганда, яъни табиий ёки суюлтирилган газлардан, энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан фойдаланилмаганда ва бошқа талаблар мавжуд бўлганда белгиланган ярим ертўлалар мақсадли фойдаланишга рухсат берилади.

Матбуот анжуманида журналистлар томонидан берилган саволларга мутасаддилар жавоб берди.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎЗА

Оқ йўл, битирувчилар!



Фото sadikov.uz

Бу йил республикамизда 390 минг нафардан зиёд ўқувчи ёшлар умумтаълим мактабларини битирмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўз билим ва истеъдодини Ватанимиз ва халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек олижаноб мақсадларга сарфлашга чоғланиб турган сиздек тиришқоқ ва интилувчан фарзандларимиз – бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, бебаҳо хазинасидир.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING
MAKTABLARNI BITIRUVCHI UGIL-
QIZLARGA IYUHLAGAN TABRIGIDAN

Воқеа

ИНЖИЛНИНГ НОЁБ НУСХАСИ ТОПИЛДИ...

Бундан бир минг беш юз йил олдин оромий тилида ёзилган Инжилнинг ноёб нусхаси Туркияда топилгани хабар қилинган. Қайд этилишича, унда Исо алайҳиссалом узларидан сўнг Муҳаммад солалаллоху алайҳи васалламнинг келишлари ҳақида хабар берганлари ёзилган.



Шу ўринда ушбу ноёб нусханинг топилгани ватанликларни хавотирга солиб қўйган. Буюк Британиянинг «Даиллий майл» ахборот агентлиги хабарига кўра, Рим Папаси Туркия ҳукуматидан ушбу нусхани кўриб чиқишни сўраган.

Туркиянинг маданият ҳамда туризм вазирлиги Ортгол Гунай эса Инжилнинг ушбу ноёб нусхаси 22 миллион доллар миқдорда баҳоланганини айтган. Насроний роҳиблари негадир ушбу топилма хусусида сўз очиш ҳамда оммага гапириб беришни истамапти. Энг муҳими шундаки, топилган Инжилдаги маълумотлар Исроил ақидаларига тўла мувофиқ келмоқда. Унда Исо алайҳиссалом худо эмас, банд экани, у кишидан кейин Муҳаммад исми пайгамбар келиши ҳақида очиқ ойдин маълумотлар бор.

Пайгамбаримизнинг келишлари ҳақидаги маълумот ушбу нусхада қуйидагича баён қилинган: «Албатта, Исо алайҳиссаломдан бир руҳоний ўздан сўнг ким келиши ҳақида сўради. Шунда Исо алайҳиссалом унга: «Унинг исми Муҳаммад бўлиб, арабларнинг отаси Исмоил алайҳиссалом сулоласидан ҳисобланади», деб жавоб берди.

Аслида Инжилнинг бу нусхаси 2000 йилда йўқолиб қолган эди. Аммо минг шукурки, Аллоҳнинг марҳамати билан ушбу нусха яна топилди. Яқинда Рим Папаси Туркия ҳукуматидан ушбу нусхага назар ташлашга расмий равишда рухсат беришни сўраган.

сураси 6-оятда: Эсланг, Исо ибн Марям: «Эй, Исроил авлоди! Мен Аллоҳнинг сизларга (юборган) пайгамбаридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исми бир пайгамбар ҳақида хушхабар берувчиман», деган эди. Бас, қачонки, (Исо) уларга (пайгамбар эканига) ҳужжат (муъжиза)ларни келтиргач, улар: «Бу аниқ сеҳр», дедилар.

Топилган Инжилда ҳам «Соф» сурасининг 6-оятда келтирилган маънодаги сўзлар бор. Пастор Эҳсон Ўзбек «Заман» газетасида ушбу китоб ҳақида қуйидагиларни ёзди: «Инжилнинг бу нусхаси I асрда яшаб ўтган Масихнинг ҳаворийларидан бўлган, Барнабо томонидан ёзилган Инжил нусхасидан V ёки VI асрларда нусха кўчирилган.

Профессор Умар Форук бу ноёб нусханинг нечанчи асрга мансублигини билиш учун илмий экспертиза олиб борилаётгани ва яқин кунларда илмий иш хулосаси оммага тақдим қилинишини ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтиб ўтди.

Маълум қилинишича, чиндан ҳам яқин кунларда Инжилнинг ушбу кўлёмаси Анқарадаги «Алонтхограве» музейида намойиш этилади. Шунинг учун ҳам Туркия ҳукумати кўлёмани турли хил зарарлардан ҳимоя қилиш чораларини кўрган. Эслатиб ўтамиз, бу кўлёмза тилла суви билан териға ёзилган бўлиб, шу кунгача жуда яхши сақланган.

Жамшид НАЗАРОВ

Эълон!

YOZNI "MILLIY TIKLANISH" BILAN!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамда республика болалар ва ўсмирлар нашрлари «Тонг юлдузи», «Класс», «Bolalar sporti» газеталари, «Ғунча», Гулхан» журналлари ҳамкорлигида мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида

«ЁЗГИ ТАЪТИЛ – «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» БИЛАН!»

лойиҳаси доирасида миллий иншолар танлови эълон қилинади.

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД:

Мактаб ўқувчиларида Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат туйғусини ошириш, жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан мустақил фикр ва фуқаролик позициясини шакллантириш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини бойитиш, ёзма нутқини ривожлантириш, шунингдек, ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказишларига ҳисса қўиши.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ:

Танловда мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишлари мумкин. Иштирокчилар фақат бир йўналиш (иншо мавзуси) бўйича қатнашадилар.

ИНШОЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

Иншолар жорий йилнинг 1 июнидан 30 июлигача электрон шаклда, муаллифнинг исм-шарифи, яшаш манзили, мактаби, синфи, телефон рақами, тахририят номи кўрсатилган ҳолда қуйидаги (@mt_insholar_tanlovi_bot) бот орқали қабул қилинади. Иншолар ҳажми уч бетдан ошмаслиги керак.

ИНШОЛАР МАВЗУЛАРИ:

1. «Коррупция, сени ёмон кўраман!»
2. «Жадид боболаримиз жасорати»
3. «Ўзбекистонга саёҳат учун 10 сабаб»
4. «Ўзбек тилим – ўзлим!»
5. «Ўзбекистонликман!»
6. «Менинг шажарам!»
7. «Устоз отангдек улуғ!»
8. «Интернет: зарарми ё фойда?»
9. «Менинг кутубхонам»
10. «Депутат бўлганимда...»

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ:

- муаллифнинг саводхонлик даражаси;
- иншода фойдаланилган манбалар, маълумотларнинг асослилиги;
- иншонинг креативлиги ва мантиқий изчиллиги;
- иншонинг ҳаётийлиги ва халқчиллиги;

– иншо тилининг соддалиги, тунарлилиги.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ:

Ғолибликка номзодлар ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборат хайъат аъзолари томонидан сараланиб, ҳар бир йўналиш бўйича камида уч нафар ғолиблик учун номзоднинг ижодий ишлари партиянинг расмий телеграм канали орқали эълон қилинади. Ғолиблар 10 августдан 31 августгача овоз бериш йўли билан аниқланади. Ҳар бир йўналиш бўйича энг кўп овоз олган бир нафар иштирокчи ғолиб деб топилади, уларнинг рўйхати партиянинг расмий сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда республика болалар ва ўсмирлар нашрларида эълон қилинади. Барча ғолиблар учун болалар нашрлари ҳамда «Миллий тикланиш» газетасига бепул обуна ташкил этилади.

ҒОЛИБЛАР АҚЛЛИ СОАТЛАР (SMART WATCH SAMSUNG) БИЛАН ТАҚДИРЛАНАДИ.

Танлов ғолиблари ҳамда улар таълим олаётган мактаб мамлакатимиз Мустақиллиги байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида тақдирланади.

Ҳафталик об-ҳаво маълумотлари

| Kun | Harorat | Tavsif | Yog'in-garchilik |
|-------------------|--------------|------------|------------------|
| Chorshanba 26-may | +34° +23° | bulutli | 10% |
| Juma 27-may | +29° +19° | yomg'ir | 75% |
| Shanba 28-may | +24° +16° | yomg'ir | 80% |
| Yakshanba 29-may | +27° +16° | ochiq havo | 0% |
| Dushanba 30-may | +28° +16° | ochiq havo | 0% |
| Seshanba 31-may | +30° +18° | ochiq havo | 0% |
| Chorshanba 1-iyun | +32° +20° | bulutli | 1% |

Аччиқ ҳақиқат



Чиқиш эшиклари маҳкам беркитилган очиқ эшик..

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,
Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал ЖУМАОБОВ, Баҳодир МАМАТХОНОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Иброҳим ҒОФУРОВ, Ирода ДАДАЖОНОВА, Минхожиддин МИРЗО, Олим ЎСАРОВ, Нодир МУХТОРОВ, Одижон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортикали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАММАДЖАНОВА, Хурийд ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎҶА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:
Мирозил АБДУРАҲМОНОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Максуд Шайхзода кўчаси, 1 А-уй. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррирлар:

Дониёр ТОШБОВ, Равшан МАҲМУДОВ
Нашр учун масъул:
Маъмуржон ЮЛДОШЕВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн гуруҳи:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ,
Лазиз МЕЙЛИКОВ,
Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Электрон почта:
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида chop этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан №0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг chorshanba кунни чиқади.
Адали – 10 057.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Бююртма – 516
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 06:10

ТЕЛЕФОНЛАР: ISSN 2010-7714
Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11 123456